2012 йил 22 июнь, жума

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 123 (12.184)

Баҳоси эркин нархда

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ




## ИХТИСОСЛАШГАН ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАЛАР

***Пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ» миллий кўргазма мажмуасида биринчи Халқаро ихтисослашган «FoodExpo Uzbekistan» – озиқ-овқат маҳсулотлари, ичимликлар, ускуналар, қадоқлаш ва ишлаб чиқариш технологиялари ва «AgroExpo Uzbekistan» – қишлоқ хўжалиги техникаси ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари кўргазмалари бўлиб ўтди.***

Ушбу кўргазмалар Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Фермер хўжаликлари, Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмалари ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва ZarExpo миллий кўргазма компанияси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Озиқ-овқат ва қайта ишлаш саноатига замонавий технологиялар ҳамда ускуналарни жорий қилиш, бозорни сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдириш, шунингдек, амалий алоқаларни кенгайтириш, илғор тажрибалар билан ўртоқлашиш ва инвестицияларни жалб этиш учун энг мақбул бизнес муҳитини яратиш йўли билан мамлакатдаги ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан биридир.

Кўргазмалар кўламининг ўзи ҳам озиқ-овқат саноати ва аввало, Ўзбекистоннинг бутун қишлоқ хўжалиги нақадар катта салоҳиятга эга эканлигини яққол кўрсатади. Бундай ихтисослашган кўргазмаларни ўтказишдан асосий мақсад – Республикамиз ва МДҲ ҳамда узоқ хориж мамлакатларининг озиқ-овқат корхоналари, қишлоқ хўжалиги мажмуаси ютуқлари ва салоҳиятини намойиш қилиш, сифатли товарлар ва хизматларни таъминлашга йўналтирилган маҳаллий ва хорижий корхоналарнинг энг янги ишланмалари ва илғор технологияларини жорий қилиш, асбоб-ускуналарни ишлаб чиқишда илғор технологияларни қўллашдан иборат.

Мазкур кўргазмаларда Россия, Украина, Эрон, Покистон, Туркия, Беларусь ва бошқа мамлакатларнинг элликдан ортиқ компанияси иштирок этди.

— Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик жадал ривожланмоқда. Бундай кўргазмалар эса иқтисодиётимизнинг ривожланишига, хорижий компаниялар билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш имконини беради, — дейди «NUSI» фирмасининг менежери Саидкамол Дадаходжаев. — Бизнинг компаниямиз уч йилдан буён ички бозоримизга қандолат маҳсулотлари етказиб бериш билан шуғулланади. Италиянинг энг сўнгги русумдаги технологиялари асосида 60 га яқин маҳсулотлар ишлаб чиқармоқдамиз. Жорий йилдан ёш болалар ва қандли диабетдан азият чекувчилар учун мўлжалланган махсус печеньеларни тақдим этмоқдамиз. Бундай кўргазмалардаги иштирокимиз орқали ўз маҳсулотларимизни намоён этиб, харидорлар сонини ошириш ва янада кўпроқ шартномалар имзолашни мақсад қилганмиз.

Ихтисослашган кўргазмалар бир неча йўналишга бағишланган бўлиб, булар – озиқ-овқат маҳсулотлари, ичимликлар, ингредиентлар, идишлар, омухта ем ва зоотехника, ўсимликлар ва чорва молларини ҳимоя қилиш воситалари, ўсимликшунослик, уруғчилик, қишлоқ хўжалиги учун ускуналар, агросаноат мажмуаси учун мини заводлар, суғориш ва мелиоратив техникаси, дон омбори ва элеваторларни санаб ўтиш мумкин.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон сабзавот ва мевалардан иборат қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳар хил турларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш соҳасида катта экспорт салоҳиятига эга. Аграр секторда экспортга мўлжалланган маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ҳамда бундай маҳсулотни қайта ишловчи замонавий технологик ускуналар билан саноатни жиҳозлаш қишлоқ хўжалигида барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш имконини беради.

Кўргазмалар доирасида фирмалар ва алоҳида товарлар тақдимоти ташкил этилди, «2012 йилнинг энг яхши товари» танлови, маҳсулотларнинг сифати бўйича семинарлар ўтказилди.

**Зиёда РАСУЛОВА**

**Козим Ўлмасов олган сурат**

***21 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.***

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Қонунчилик палатасининг Кенгаши томонидан таклиф этилган кун тартиби тасдиқланганидан кейин депутатлар «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар. Қонун лойиҳаси фуқароларнинг турли тоифалари меҳнатига бажариладиган ишнинг хусусиятига қараб ҳақ тўлашни такомиллаштириш, амалдаги қонунларнинг айрим нормаларини қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқлаштириш мақсадида ишлаб чиқилган. Унда Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат, Жиноят-ижроия, Солиқ кодексларига, «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги, «Хусусий корхона тўғрисида»ги, «Жиноят ишини юритиш чоғида қамоқда сақлаш тўғрисида»ги қонунларга тузатишлар киритиш таклиф этилган.

Ҳужжатни атрофлича муҳокама қилиш чоғида билдирилган фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда Қонунчилик палатаси ушбу Қонунни қабул қилди ва кўриб чиқиш учун Олий Мажлис Сенатига юборилади.

«Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси авиация соҳасининг норматив-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштиришга, миллий қонун ҳужжатларига Халқаро фуқаро авиацияси ташкилотининг стандартлари ва тавсия этиладиган амалиётини татбиқ этишга, парвозлар хавфсизлиги даражасини ва авиайўловчиларга хизмат кўрсатиш сифатини оширишга қаратилгандир.

Қонун лойиҳасида Ҳаво кодексининг айрим моддаларини миллий қонун ҳужжатларининг, Ўзбекистон Республикаси томонидан имзоланган халқаро шартномаларнинг талабларига мувофиқлаштириш, шунингдек, мамлакатимиз ҳаво ҳудудининг тузилмасини такомиллаштириш билан боғлиқ ҳолда 2008 йил июль ойида ўтказилган аудит натижалари бўйича Фуқаро авиацияси халқаро ташкилоти (ИКАО) комиссияси тавсияларини бажариш назарда тутилмоқда. Мазкур ҳужжатнинг қабул қилиниши кодекснинг амалдаги таҳриридаги эскирган ҳуқуқий нормаларни чиқариб ташлаш, ташувчининг ўз фаолияти хусусиятини ҳисобга олган ҳолда ўзининг қоидаларини вужудга келтириш ҳуқуқини янада аниқроқ белгилаш имкониятини беради.

Батафсил муҳокамадан сўнг депутатлар ушбу Қонунни ҳам қабул қилдилар, ҳужжат Олий Мажлис Сенатига юборилади.

«Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси фуқаролар ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкини муҳофаза этиш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек, автомобилларда ташиш сифати ва хавфсизлигини ошириш мақсадида ишлаб чиқилган. Қонун лойиҳасида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасида давлат сиёсатининг устувор йўналишлари ва принциплари белгиланган, транспорт воситалари, автомобиль йўлларининг техник ҳолати ва жиҳозларига нисбатан қўйиладиган талаблар аниқлаштирилган.

Қонунчилик палатаси атрофлича муҳокамадан сўнг қонун лойиҳасининг концепциясини маъқуллади ва уни биринчи ўқишда қабул қилди. Депутатларнинг фикр ва мулоҳазаларини ҳисобга олган ҳолда ҳужжатни кейинги ўқишда кўриб чиқиш учун тайёрлаш масъул қўмитага топширилди.

Қонун лойиҳаларини муҳокама қилиш пайтида барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳининг вакиллари саволлар ва таклифлар билан сўзга чиқдилар. Улар кўриб чиқилган қонун ҳужжатлари жамиятимиз ҳаётининг турли соҳаларида ўтказилаётган ислоҳотларнинг ҳуқуқий базасини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, мамлакатимизни янада ривожлантириш учун муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидладилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ўз ваколатига кирадиган бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот хизмати.**

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**• Хонқадаги ош тузи ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган «Хонқа биллур салд» МЧЖда 22 миллион сўмликдан ортиқ модернизациялаш тадбирлари амалга оширилди. Натижада ишлаб чиқариш қуввати ортиб, ишчилар сони 22 тага етди. Айни пайтда бу ерда ойига 5 турдаги 200 тонна йодланган сифатли ош тузи тайёрланмоқда. Корхона жамоаси макарон маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйиш арафасида. Бунинг учун 210 миллион сўмлик маблағ эвазига замонавий технология олиб келинди. Янги линия ишга тушгач, яна 20 та иш ўрни яратилади. Туманда жорий йилнинг ўтган 5 ойи давомида 2 минг 281 иш ўрни ташкил қилинди.**

**• Жиззах вилоятида умумтаълим мактаблари битирувчиларига Ўзбекистон Республикасининг янги биометрик паспортлари топширилди. Транспорт ва алоқа коллежининг ўн олти ёшга тўлган 52 нафар ўқувчисига Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини тасдиқловчи янги нусхадаги биометрик паспортларни топшириш маросимида вилоят ҳокимлиги, ички ишлар бошқармаси, «Нуроний» жамғармаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вакиллари, ота-оналар иштирок этди. Маросимда сўзга чиққанлар паспорт нафақат фуқароликни тасдиқловчи, балки шу фуқарога дунёнинг барча мамлакатларида давлатимиз ҳимоясида эканлигини кафолатловчи ҳужжат эканлигини таъкидладилар.**

**• Сариосиё туманидаги «Жануб қурилиш материаллари» МЧЖ жамоаси қишлоқларда намунавий лойиҳа асосида турар жойлар барпо этаётган корхоналар талаби асосида ишлаб чиқариш ҳажмини оширди. Бунинг учун 100 миллион сўмлик замонавий технологиялар олиб келинди, 10 киши ишга қабул қилинди. Натижада бу ерда тайёрланаётган қурилиш моллари ҳажми ошиб, сифати янада яхшиланди. Вилоятда жорий йилда қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган, умумий қиймати 600 миллион сўмлик 4 та лойиҳани ҳаётга татбиқ этиш режалаштирилган бўлиб, бу борадаги ишлар изчил олиб борилмоқда.**

### ЖАҲОНДА

**• Японияниң «Тойота» автомобиль концерни бутун дунё бўйлаб 2007-2010 йилларда ишлаб чиқарилган тўрт хил русумдаги тўқсон бир мингдан зиёд юк автомобилини қайтариб олишини эълон қилди. Компания вакилларининг сўзларига кўра, мазкур машиналарнинг тутун чиқариш тизимида техник носозлик аниқланган. Ҳаракатланиш жараёнида транспорт воситаларининг бу тизими сочилиб кетиш ҳолатлари кузатилган. Оқибатда беш юзга яқин транспорт ҳодисаси рўй берган.**

**• Буюк Британияда электр энергияли кийимлар сотувга қўйилди. Хабарларга қараганда, мамлакат олимлари томонидан яратилган бундай либослар ўзидан электр энергияси ишлаб чиқаради. Мутахассисларнинг сўзларига кўра, махсус толали матодан тайёрланган бундай кийимлар мобиль телефони ва қўл соатини электр токи билан таъминлашга қодир.**

**• Жаҳон бозоридаги эсдалик совғаларнинг олтмиш фоизи Хитойда ишлаб чиқарилади, деб хабар беради РАТА-ТАСС. Хабарларга кўра, мамлакатда йилига икки юз миллиард юанлик (қарийб ўттиз миллиард АҚШ долларига тенг) совғалар тайёрланади. Маълумот ўрнида шуни айтиш жоизки, ҳозир Хитойда бундай маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ихтисослашган юздан зиёд корхона фаолият юритмоқда.**

**• Швейцария йўл-патруль хизмати бўлинмалари томонидан махсус рейд ўтказилди, деб хабар беради РАТА-ТАСС. Тадбирни ўтказишдан мақсад маст ҳолда автомобиль бошқараётган ёки тезликни оширган ҳайдовчиларни аниқлашдан иборат. Маълумотларга кўра, ушбу рейд давомида олти мингга яқин ҳайдовчи текширилган ва уларнинг икки юздан зиёди маст ҳолда автомобиль бошқараётгани аниқланган. Жазо сифатида қоидабузарларнинг ҳайдовчилик гувоҳномаси бир йил муддатга олиб қўйилган. Йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилган ҳайдовчилар эса рағбатлантирилган.**

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

***Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.***

✓ **БУГУН** Давлат солиқ қўмитаси томонидан «Солиқ ва молия ҳисоботларини электрон тартибда топширишнинг афзаллик томонлари» мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

✓ **КЕЧА** Тошкент қурилиш коммунал касб-ҳунар коллежида 9-синф битирувчиларини ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларига тўлиқ қамраб олиш масаласига қаратилган давра суҳбати уюштирилди.

✓ **«ЎЗБЕКИСТОН** маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Келажак овози» Ёшлар ташаббуслари маркази, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан анъанавий тарзда ўтказилаётган «Келажак овози» республика танловининг саралаш босқичи якунланди.

✓ **«ЁШЛИК»** талабалар шаҳарчасида талабалар касаба уюшмаси қўмитаси томонидан «Энг озода талабалар турар жойи» мавзуида кўрик-танлов ўтказилди.

## Ҳар шанба — тозалик куни











***Мустақиллик йилларида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари пойтахтимиз қиёфасини тамоман янги бир поғонага кўтарди. Хусусан, сўнгги пайтларда шаҳримизни озода ва обод шаҳарга айлантириш мақсади одамларимиз қалбига кириб борди. Она заминимизга муносабатимиз ўзгариб боряпти. Ҳар биримизда:*** **«ШУ ГЎЗАЛ ВАТАН, ШУ ГЎЗАЛ ШАҲАР, ШУ ГЎЗАЛ МАҲАЛЛА, ШУ ГЎЗАЛ КЎЧА, ШУ ГЎЗАЛ УЙ – МЕНИКИ, шундай экан, мен унинг тозалиги-озодалиги, янада ободу кўркам, саранжом-саришта бўлиши учун бевосита масъулман», –** ***деган туйғу шаклланди, кучайди, такомиллашиб боряпти.***

Зийрак бобо шаҳар кезади

# ОБОД ШАҲРИМ — ОЗОДА ШАҲРИМ





Озодалик тушунчасига эса бевосита кўчаларни озода ва ораста сақлаш, зарур кўча кўрсаткичларини ўрнатиш, шахсий турар жойларнинг ташқи кўринишини тартибга келтириш, ҳар бир хонадон дарвозасида тартиб рақами ёзиб қўйилган бўлишини таъминлаш, мавжуд дарахтларга шакл бериш, уларни оқлаш, гуллар, мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экиш ва уларни парвариш қилиш, жойларда янги боғлар яратиш, панжараларни бўяш, кўчаларни мунтазам равишда супуриш, ариқлар ва лотокларни тозалаш, тўпланган чиқиндиларни ўз вақтида олиб чиқиб кетиш каби ишлар киради.

Хўш, бу ишлар қандай амалга ошириляпти?

Тўғриси, кексаликнинг ўзгача гашти бор. Бир гашти шундан иборатки, биз — қариялар шаҳримиз кўчаларини кўпроқ кезамиз. Бозор-ўчар қилиш, тўй-маърака дегандек тадбирларда қатнашишга вақтимиз бемалолроқ-да.

Шаҳар марказидан кўп ўтамиз. *Келинглар,* дедим шерикларимга, *аввал марказни бир пиёда айланайлик.*

Бош майдонимизга бордик.

Ҳар сафар бу ерга келганимда атроф ҳудуднинг гўзаллигини кўриб кўнглим тоғдек кўтарилиб кетади. Қушдек енгил тортаман. Бутун вужудимни ғурур ва ифтихор ҳисси қамраб олади. Ясси кўкаламзор кенг ҳудуд ҳар қандай одамнинг димоғини чоғ қилиши табиий. Агар мендан: ***«Кўнгилни янада равшан айлаш учун нима қилиш керак?»*** – **деб сўрашса:** ***«Шаҳримиз марказини яна бир бор айланинг!»*** – деб маслаҳат берган бўлардим...

Худди шундай туйғу билан **Олмазор туманидаги Тошкент Тиббиёт академияси** қошидаги академик лицейга ташриф буюрдик. Лицей янги, барча шарт-шароитлар яратилган замонавий бинога эга. **Бизни қувонтирган нарса шу бўлдики, лицей ёнидаги 8 гектар ер майдонида олмазор боғ ташкил этилибди. Мутасаддиларнинг айтишича, бу жой қаровсиз бир ҳолда бўлган. Уни тартибга келтириш учун бу ердан юздан ортиқ машина чиқинди олиниб, унинг ўрни агротехника қоидалари асосида қайта ишланибди. Самарқанддан сархил олма навлари олиб келиниб, 8 минг тупдан зиёд олма кўчати экилибди. Дарахтларнинг олди ҳосилга ҳам кирибди.**

Бу боққа хизмат кўрсатадиган «Ёшлик» талабалар шаҳарчасининг ободонлаштириш бошқармаси бошлиғининг берган маълумотига кўра, янги боғда томчилатиб суғориш йўлга қўйилибди. Олма навларининг бирдек яшнаб туришини кўриб, биз бунга амин бўлдик. Лицей ҳовлисига эса 450 туп олма дарахти экилган. Ҳар шанба бўлиб ўтаётган тозалик кунида лицей ўқувчи ҳамда мураббийлари фаол иштирок этиб келмоқда. Барака топишсин. *Ҳаракатда баракат бор,* деб шуни айтсалар керак-да.

Йўл-йўлакай, Кичик Ҳалқа йўли кўчасидаги 90-уй ёнидан ўтаётиб, дўкон ёнида катта ахлат тўплами уюлиб ётганига кўзимиз тушди-ю таъбимиз бир оз хира бўлди. Ўзингиз айтинг, шундай кўчага шу аҳвол ярашадими?

Шундай дея, йўлимизда давом этдик. Яхши ният, умид ҳеч қачон сўнмайди. Қорақмиш-2/1 мавзесига йўл олдик. Бу ҳудудда «Бўстон» маҳалласи жойлашган. Турар жой бинолари – кўп қаватли уйлардан иборат. Тўғрисини айтадиган бўлсак, бундан икки-уч йил олдин маҳалла ҳудуди анча қаровсиз эди. Бу ерда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш борасида шу кунларда олиб борилаётган ишларни кўриб, мамнун бўлдик. Маҳалла ҳудудидаги бўш майдонда сунъий қопламали футбол стадиони, ёнида баскетбол майдончаси ва болалар ўйингоҳи ташкил этилибди. Бундай хайрли ишга қўл урган «Фортуна финанс групп» фирмасидан аҳоли, айниқса, маҳалла ёшлари беҳад миннатдор.

**Яна бир эътиборли томони шуки, маҳаллада спортнинг футбол ва баскетбол тури бўйича болалар жамоаси тузилиб, уларга профессионал мураббийлар етакчилик қилаётган экан. Келажакда бу маҳалладан чемпионлар чиқса, ажаб эмас.**

Бир ўтганимда тумандаги «Қичқириқ» маҳалласи ҳудудида қуриган дарахтларга кўзим тушган эди. *Қуриган дарахт бехосият бўлади,* деган ота-боболаримиздан қолган гап бор-ку. Хайриятки улар олиб ташланди. Маҳаллада шанба кунлари ўтказилаётган тозалик ишлари ободликка олиб киряпти. Жумладан, кўп қаватли 45-уй олдидаги ҳудуд ёввойи ўтлардан тозаланиб, ободонлаштирилибди. Уйнинг орқа қисмидаги қурилиш чиқиндилари ва ортиқча буюмлар олиб ташланибди. Маҳалла ҳудудини кўздан кечириб, бир нарсага эътибор қаратдик. **Ҳудудда мини футбол майдончаси қуриш учун бўш жой бор экан. Мутасаддилар билан гаплашсак, айнан шу масала кўрилаётганини маълум қилишди. Ҳа, эрта-индин бу маҳалланинг ҳам ўз мини стадиони бўлади. Чунки маҳалла аҳлида ғайрат-шижоат бор. Ғайрат бор жойда эса барака бўлади...**

Ҳамроҳларим билан бир тўққиз қаватли турар жой олдидан ўтдик. Хунук манзара кўзга ташланди. Баъзилар қинғир-қийшиқ қилиб ўраб олиб, ўзича томорқа қилиб қўйибди. Ўт босиб кетган. Бу ер ашқол-дашқолларни сақлайдиган жойга айлантириб қўйилган. Ҳайрон бўлиб турган эдим, балкондан бир киши бош чиқарди. *Бу томорқача кимники?* деб сўраган эдим. Авзойи бузилди. *Нима эди?* деди. Қарамабсизда, азизим. *Ахир, ер – давлатники, модомики, сиз ундан фойдаланмоқчи экансиз, саранжом-саришта, тоза-озода қилиб қўймайсизми? «Нима қилиш кераклигини ўзим яхши биламан, йўлингиздан қолманг»,* деди. Бундай муносабат кетмайди. Уларга жавобимиз шу: Сиз озода тутмасангиз, марҳамат, бу кўп қаватли уйда шу ерни обод қиламан деган ғайратли одамлар топилади. Лекин уй атрофининг бундай пала-партиш, хунук бўлиб ётишига бу уйда яшайдиганлар йўл қўймаслиги керак. Ахир, ҳамма шу ердан ўтади, ҳар куни шу ердан нафас олади-ку.

Яна бир маҳаллада кўп қаватли уйлар ҳовлисидаги болалар ўйингоҳидан ўтиб қолдик. Яхши ният билан шу жой ташкил этилган. Болалар мазза қилиб ўйнаб юрибди. Лекин оёқ остига қараб бўлмайди. Пистани чақиб, пўчоғини ташлашган. Иссиқ кунлар бошланиб, болажонларимиз қўлидан музқаймоқ тушмай қолди. Бироқ қоғозини ҳар ерга ташлаб кетишяпти. Ўйингоҳ тўлиб кетибди.

Ўриндиқда гаплашиб ўтирган 7-8 аёлнинг парвойи палак. Лоақал бундай қилманглар дейишмайди ҳам. Ахир ота-онаси ўргатиши керак. Ўргатмаса, жамоатчилик бундай лоқайд бўлмасин-да. Бир-биримизни уялтирайлик, шаҳримизни, кўчамизни, болалар ўйингоҳини тоза тутиш ҳаммамизга боғлиқ масала-ку.

Бир савдо растасида бўлдик. Бу йил баҳорда раста олдига қаторасига арча экилган. Чамаласам, ўттиз тупдан ошади. Аммо улар, *эксам бўлди, кўкариб кетаверади,* деб ўйлашганга ўхшайди. Аксарияти суғорилмаганидан қуриб ётибди. Эссиз-а. Шу ерда тирикчилик қиласан, савдоинг юришиб турибди, бола-чақангни боқяпсан. Аммо ишхонанг атрофи гўзал, тоза-озода, обод, кўкаламзор бўлишидан, аввало, ўзинг манфаатдорсан-ку. Озгина фурсатни аямай, шу яхши ният билан ўтқазилган дарахтларни парвариш қилишга тутинмайсанми?! Афсуски, айримларимиз ҳали-ҳануз, *ҳамма нарсани давлат қилиб беради,* деган эскича тасаввурдан қутулмадик-қутулмадик-да.

Йўл-йўлакай **Шайхонтоҳур** кўчасидан юрдик. У туманнинг марказий кўчаларидан бири ҳисобланади. Серқатнов бу кўча йўналишида шахсий ва кўп қаватли турар жой бинолари, таълим муассасалари, ташкилотлар, маданий-маиший бинолар, савдо мажмуалари жойлашган. Лекин Лабзакдаги «Сирконий» супермаркети олдида йиғилиб қолган маиший чиқиндилар киши дилини анча хира қилди.

Корхона, ташкилотларни айланганимизда ҳам кўп жойларда тозалик кунига қатъий амал қилиб, ҳар шанба кунлари ўз ҳудудларини ободонлаштириб, яшнатаётган муассасаларни кўриб хурсанд бўлдик. Хусусан, Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси **Учтепа тумани** бўлими ҳудудида мевали ва манзарали дарахтлар, гуллар барқ уриб ётганининг гувоҳи бўлдик.

**Юнусобод туманидаги** шаҳар ўсмирлар диспансери ҳам кўркам ва озода экан. Бу йил диспансер ҳудудига 150 туп мевали ва манзарали дарахт, 3 минг 250 та гул кўчати экилган. **Эътиборли томони шундаки, бу ерда ҳар бир бўлимга маълум ҳудуд бириктирилган, ходимлар ҳар куни ярим соатдан гулларни суғориш, уларга шакл бериш, атрофни супуриб-сидириш ишлари билан шуғулланишади.**

Тумандаги «Акбаробод» маҳалласида ҳам кейинги пайтларда ободонлаштириш борасида анча ишлар қилинибди. Хусусан, эски тўйхона ўрнида баскетбол майдончаси, кўп қаватли 4, 6, 12, 16, 21-уйлар олдида болалар ўйин майдончалари барпо этилган.

**Миробод тумани** шаҳримизнинг энг катта туманларидан бири эканини биласиз. Унинг ҳудудида жойлашган Жанубий вокзал, Шаҳрисабз, Нукус, Ойбек кўчаларининг орасталигини кўриб, дил-дилдан яйрайсиз.

Тумандаги Қўйлиқ-4 даҳасининг кўп қаватли уйлари атрофига гуллар экилган, гулхоналар пишиқ ғиштлар билан чиройли қилиб ўраб, шакл берилган. Аммо Меҳржон кўчасида маиший чиқиндилар кўча бошига чиқариб қўйилганини кўрдик. Серқатнов ердаги бундай ҳолат киши кайфиятини туширади. Эски Сарикўл кўчасида дарахтларга шакл берилган. Йўл четлари кўкаламзорлаштирилган, гуллар экилган. Лекин кўча йўналишидаги «Автосозлаш» корхонаси олдида бир уюм чиқинди мавжуд. Наҳотки, кириш жойида чиқиндиларнинг тўпланиб туриши корхона раҳбарларига хуш ёқса?! Бу ҳам етмагандай, бу ерда салкам 50-60 йиллик манзарали дарахт қуриб-қақшаб ётибди.

**Яккасарой тумани** ҳудудидаги Мовий гумбазлар хиёбонида «Шош» кафеси бор. Унинг олдида чиройли боғ ҳам барпо этилган. Бироқ мажмуанинг яқинида анча чиқинди тўпланиб қолибди. Албатта, бу антисанитария ҳолатини келтириб чиқариши табиий.

Шаҳарни айланиб, **Ҳамза туманига** ҳам етиб келдик. 143-сон «Қувонч» мактабгача таълим муассасаси тартибли, ҳаммаёқ тоза-озода, ҳовлисига гуллар экилган, гулхоналар атрофидаги яшил «девор»лар буталган. Исми жисмига мос маскан экан. «Қувонч» кўзни қувонтиради, деса бўлади.

Тумандаги «Истиқлол» маҳалласи кўп қаватли уйлардан иборат. Бу йилги озодалик ҳаракати яхши натижа берибди. Уйлар ўртасидаги майдончага тераклар экилибди, болалар ўйингоҳлари шу кунларда болажонларимиз жонига ора киряпти.

Шу тумандаги «Тўйтепа» маҳалласи шаҳар марказида жойлашган. *Туман ҳудуди шу маҳалладан бошланади,* десак, муболаға бўлмайди. С. Азимов кўчаси маҳалланинг марказий кўчаларидан бири ҳисобланади. Кўча йўналишида қатор кўп қаватли уйлар жойлашган. Лекин бу уйлар олдидаги ҳудудларни биринчи қаватда жойлашган ташкилотларга бириктириш, бириктирилган ҳудудларни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва гуллар экиш ишлари талаб даражасида йўлга қўйилмаган. Бундан ташқари, кўча бўйлаб яшил майдонда жойлашган сунъий суғориш мосламаларининг тўлиқ ишлашини таъминлаш зарур. Кўча чиройини бузиб турган баъзи енгил турдаги савдо шохобчаларини ҳам кўрдик. Маҳалла аҳли кўп қаватли 2-уй ён қисмида таъмирлаш, унинг орқа қисмидаги темир панжара ва бетон деворларни бўяш ҳамда 2-ва 2а-уйлар орасида замонавий очиқ турдаги автомобиллар сақлаш жойини ташкил этиш бўйича амалий ишлар бажарилаётганидан мамнунлигини маълум қилди.

Алишер Навоий маҳалласи фуқаролар йиғини Жарқўрғон кўчасида жойлашган. Шу бинодан 30 қадам берида ахлат уюмини кўриб, дилимиз ранжиб турган эди, идоранинг шундоқ ёнида яна шу аҳволга дуч келдик...

Уйга қайтаётганда йўлимиз Фарҳод кўчасидаги Чилонзор деҳқон бозори олдидан ўтди. Бозор рўпарасида, яъни кўчанинг нариги тарафида кўп қаватли уйларнинг биринчи қаватида талай хизмат кўрсатиш шохобчалари, савдо дўконлари, дорихоналар ва бошқалар жойлашган. Бу ердан одам аримайди. Лекин йўлаклар, дарахтлар ости, йўл билан йўлакни ажратиб турган лотокнинг ичлари чиқиндига тўлиб кетганки, *гавжум жойда бундай ҳолат бўлмаслиги керак-да.*

Шу ўринда бир гап. Айрим кўча юзларига чиқинди ташлаш ҳоллари кўп учрайди. Ваҳоланки ҳар бир жойда алоҳида ажратилган чиқиндихоналар бор. Боз устига кўчаларга олиб чиқиб қўйилган чиқиндиларни ўз вақтида олиб кетмаслик оқибатида хушманзара кўча кўринишини бир зумда бузади, қўяди.

**Халқимизда «Қиш ғамини ёзда ўйла» ёки «Қиш тайёргарликни ёқтиради» деган ибратли ҳикматлар бор. Шундай экан ҳозирданоқ коммунал хизматининг барча тизимларида мавсумга пухта тайёргарлик кўриб, аҳоли учун қулай шарт-шароит яратиш фойдадан холи эмас. Шаҳар айланар эканмиз, жойларда бу борадаги ишлар бошланиб кетганлигининг гувоҳи бўлдик.**

Мана шунақа гаплар. Бу гал шаҳарни айланганимизда кўнглимиз, ҳар ҳолда, хушнуд бўлди. Нега деганда нохуш ҳолатлар анча камайгани, деярли барча маҳалла, корхона ва ташкилотларда уюшқоқлик билан орасталаш ишларининг амалга оширилаётганини кўрдик. Ўйлаймизки, биз тилга олган айрим камчиликлардан мутасаддилар, ҳар биримиз тегишли хулоса чиқариб, уларни вақтида бартараф этамиз.

Ахир, **обод шаҳрим — озода шаҳрим** деган сўзлар замирида чуқур маъно ва мазмун бор.

**Азиз ҳамшаҳарлар!**

**Шаҳримизнинг янада кўркам бўлиши, кўчаларимизнинг орасталиги, маҳаллаларимизнинг озода ва ободлигига ҳисса қўшиш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиз эканлигини унутмайлик, тозалик ва ободонлаштириш ишларида фаол бўлайлик!**

**Зийрак бобога Олим МАҲМУДОВ котиблик қилди**

• ***Бундай нохуш манзаралар бизга ярашмайди***



«Шош» кафесининг яқинидаги манзара



Жарқўрғон кўчасидаги ҳолат



Кичик Ҳалқа йўли кўчаси, 90-уй атрофидаги манзара

2012 йил — Мустаҳкам оила йили

# «ОИЛА–МАҲАЛЛА–МАКТАБ» ҲАМКОРЛИГИ КЕНГАЙМОҚДА

***Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институтида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда «Малака ошириш – баркамол шахсни шакллантиришда оила ва узлуксиз таълим тизими ҳамкорлигини таъминловчи ҳамда таълим сифатини оширувчи ижтимоий институт сифатида» мавзуида республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.***

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг ўринбосари А. Холбеков, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди раисининг ўринбосари Г. Алимова, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раисининг ўринбосари, «Камалак» болалар ташкилоти раиси О. Жамолиддинова ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида истиқлол йилларида ҳеч кимдан кам бўлмаган авлодни вояга етказиш, уларга пухта билим, тарбия бериш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар юксак самаралар бераётганини таъкидлади.

«Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури доирасида оила, маҳалла, таълим масканлари ўртасидаги ҳамкорликни янада кучайтириш, ёшларни соғлом ва мустақил тафаккурли шахс этиб камолга етказишга доир ишларни давр руҳига ҳамоҳанг тарзда ташкил этиш юзасидан долзарб вазифалар белгиланган.

Ҳозир мамлакатимиздаги ўн мингга яқин умумий ўрта таълим мактабида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан яқин ҳамкорлик йўлга қўйилган. Бу эса ўқувчиларнинг қизиқиши ва қобилиятини аниқлаш, бўш вақтини тўғри ва унумли ташкил этиш, фанларни ўзлаштиришида кўмаклашиш, дастлабки меҳнат кўникмаларини шакллантириш, таълимнинг кейинги босқичига йўналтиришга хизмат қилмоқда. Айни пайтда бундай ҳамкорлик оилалардаги вазиятни, ёшларнинг орзу-истакларини атрофлича пухта ўрганиш, долзарб масалаларни ўз вақтида ҳал этиш имконини бермоқда.

Кадрлар тайёрлаш миллий моделини амалга ошириш жараёнида ўқитувчилар малакасини ошириш, таълим муассасаларининг маҳаллалар билан ҳамкорлигини кенгайтириш истиқболлари, ёшларни «оммавий маданият»нинг салбий таъсири, миллий ҳаёт тарзимизга зид бўлган зарарли ғоялардан, нохолис ахборотлар оқимидан ишончли ҳимоялашда ота-оналар, маҳалла фаолларининг масъулиятини кучайтириш, маънавий-маърифий ишларни самарали ва таъсирчан тарзда ташкил этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Анжуманда таълим муассасаси ва оила ҳамкорлиги, мактаб ўқувчиларини касб-ҳунарга йўналтириш ишлари самарадорлигини ошириш, халқ таълими тизимида амалиётчи психолог фаолиятини ташкил этишнинг услубий масалалари, баркамол авлодни шакллантиришда оила, маҳалла ва узлуксиз таълим тизими интеграцияси каби мавзуларда маърузалар тингланди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

***Тошкент тиббиёт академиясида магистратура йўналиши битирувчиларига диплом топшириш маросими бўлиб ўтди.***

Таълим

## АКАДЕМИЯДАН — КАТТА ҲАЁТГА

Тошкент тиббиёт академияси ректори Ш.Каримов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз таълим тизимида амалга оширилган ислоҳотлар ёш авлодга замонавий билим бериш, уларнинг истеъдоди ва интеллектуал салоҳиятини юзага чиқаришга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Тошкент тиббиёт академиясининг магистратурасида бугунги кунда 46 йўналиш бўйича 750 нафардан зиёд малакали мутахассис тайёрланади. Жорий йилда 270 нафар йигит-қиз магистратурани битириб, мустақил ҳаётга йўлланма олди. Тошкент тиббиёт академияси, илм-фан ва олий таълим масканлари ҳамда тиббиёт клиникалари ўртасида тузилган ҳамкорлик шартномасига мувофиқ, битирувчиларнинг барчаси иш билан таъминланди.

Эъзозбек Ризаев ўз фаолиятини Тошкент тиббиёт академиясининг жарроҳлик кафедрасида давом эттиради.

– Мамлакатимизда биз, ёшларга илм-фаннинг замонавий ютуқларидан кенг фойдаланиш, жаҳон тажрибасини ўрганиш учун барча имкониятлар яратилган, – дейди ЎзА мухбирига Э.Ризаев. – Бу ўқиш ва ишда муваффақиятларимиз омили бўлмоқда. Ушбу имкониятлардан оқилона фойдаланиб, халқимиз саломатлигини сақлашга ҳиссамизни қўшиш асосий вазифамиздир.

**Б.ХИДИРОВА**

## ҚАТТИҚ ЖИСМЛАР ФИЗИКАСИ

***Ўзбекистон Фанлар академияси таркибидаги физика-техника институти олимлари томонидан олиб борилаётган тадқиқотлар асосида бир нечта дарслик ва ўқув қўлланмалари яратилди. «Қаттиқ жисмлар физикаси» деб номланган қўлланмадан Тошкент Давлат техника университети, Ўзбекистон Миллий университетида асосий ўқув қўлланмаси сифатида фойдаланилмоқда.***

Шунингдек, босмадан чиққан «Элементар заррачалар физикаси», «Умумий физика» каби нашрлар Ўзбекистон Фанлар академияси томонидан тақдим этилди.

«Гелиотехниканинг илмий асослари», «Амалий ва назарий машғулотлар» деб номланган тадқиқот ишлари ҳам босмага тайёрланди.

Ўзбекистон Ядро физикаси институти учун илмий-текшириш ишлари ўтказишга мўлжалланган ҳамда юқори энергетика ажратиш хусусиятига эга бўлган детекторлар тайёрланади.

«Иссиқлик ва нур қайтарувчи қатламларни суртиш» технологияси ишлаб чиқилди, шу технология учун ностандарт жиҳозлар тайёрланди. Институтда яратилган яна қатор тадқиқотлар амалиётга татбиқ қилинди.

## ЮНЕСКО ТАШКИЛОТИ ҲОМИЙЛИГИДА

***Бугунги кунда мамлакатимиз олий ўқув юртларида талайгина кафедра ва илмий лабораториялар фаолият кўрсатмоқда. Улар орасида халқаро аҳамиятга молик тадқиқот ўчоқлари ҳам мавжуд.***

Халқаро ЮНЕСКО ташкилоти саъй-ҳаракати билан очилган бундай кафедралар сони ўнтадан ошди. Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги физика ва астрономия кафедраси ЮНЕСКО оталиғида ишлаб турибди. Мирзо Улуғбек номидаги Астрономия илмий тадқиқот институтида гелиосейсмология бўйича махсус курс машғулотлари учун тузилган дастурда физикавий билимларга доир машғулотлар йўлга қўйилди.

Умумий астрономия, галактик астрономия ва галактика бўйича уюштирилаётган тадқиқотларда ҳам кафедра фаоллик кўрсатмоқда.

**Акбар АЛИЕВ**

## ЁНҒИН ЧИҚҚАНДА «101»ГА ҚЎНҒИРОҚ ҚИЛИНГ

***Аҳоли хавфсизлигини таъминлаш мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг туб моҳиятини ташкил этади. Мамлакатимизда ёнғинга қарши кураш ва унинг олдини олиш борасида олиб борилаётган ишлар ана шу мақсадга хизмат қилмоқда.***

Баъзида оддийгина масъулиятсизлик, эътиборсизлик, ёнғин ёхуд техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслик оқибатида катта фожиалар келиб чиқиши мумкин. Бу эса, аввало, инсон саломатлигига, аҳоли хавфсизлигига, давлат ва жамоат мулкига катта зарар етказади. Шу боис бу борада ёнғин хавфсизлиги хизмати билан бирга давлат ва жамоат ташкилотлари, корхоналар ва хўжаликлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамкорликда иш олиб бориши талаб этилади.

Мамлакатимизда мунтазам равишда ёнғин хавфсизлиги ойликлари ўтказилиб, аҳолининг бу борадаги билим ва тушунчаларини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Иситиш ва энергия мосламаларидан тўғри фойдаланиш, ёнғин ва техника хавфсизлиги қоидалари кенг тушунтирилмоқда.

Тошкент шаҳар Мирobод тумани ИИБ Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси ходимлари ҳам тегишли идоралар билан ҳамкорликда иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларида мунтазам текшириш ва мониторинг ўтказмоқда. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш чоралари кўрилаётир.

Болаларнинг ёзги дам олишини юксак савияда ташкил этиш, ўғил-қизлар таътил кунларини мароқли ўтказиши учун таълим даргоҳлари қошидаги ёзги оромгоҳларда ёнғин хавфсизлиги таъминланаётир.

Ёнғинга қарши кураш ва унинг олдини олишни янада кенгайтириш мақсадида бино ва иншоотларда ўт ўчириш ускуналаридан тўғри фойдаланиш қоидалари акс этган плакатлар ўрнатилмоқда. Аҳоли ўртасида тарғибот-тушунтириш ишлари олиб борилаётир. Шу муносабат билан эслатиб ўтиш жоизки, мамлакатимиз ҳудудида ёнғин хавфсизлиги хизматининг «01» телефон рақами «101» рақамига ўзгартирилди.

Ушбу янгиликдан ҳар бир юртдошимиз огоҳ бўлиши кўплаб кўнгилсиз ҳолатларнинг олдини олишга хизмат қилади. Зеро, ёнғин хавфсизлигининг таъминлангани хотиржамлигимиз гаровидир.

**Эрмахан СУЛАЙМОНОВ,**
**Тошкент шаҳар Мирobод тумани ИИБ Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси инспектори, кичик сержант**
**(ЎзА)**

**ЎЗГИДРОМЕТ**
ХАБАР ҚИЛАДИ
UZHYMET

*Тошкент шаҳрида **23 июнь** куни ҳаво бироз ўзгариб туради, қисқа муддатли ёмғир, жала ёғиш эҳтимоли бор. Ғарбдан 5-10 метр тезликда эсган шамол секундига 12-15 метр тезликда кучайиши мумкин. Ҳарорат кечаси — 20-22, кундузи — 30-32 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 23-25 ва эрталаб **26 июнда** Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бироз тарқалиб кетишига имконият яратади. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3 фоиз пасайиши тахмин қилинмоқда, тагмиқдори паст бўлади.*

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ва «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»
**Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (3712) 233-21-56. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 223-хона.**

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети томонидан 2005 йил июнь ойида Турсунова Зилола Бахтиёровна номига берилган 1246/05 рўйхат рақамли В №194455 сонли бакалавр дипломи йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**












